

Йиғининг сабаби



13:06 / 07.04.2025 1714

Ливиялик машҳур зот Умар Мухтор раҳимаҳуллоҳ аёли вафот топганида йиғлади. Унинг ёнидагилар:

— Сиздек инсоннинг йиғлаганини кўрмаган эдик, нима сабабдан йиғладингиз? - дейишди. Шунда Умар Мухтор жавоб берди:

— Италия босқинчилари билан жанглардан қайтганимда чодирга кирар эканман, аёлим ҳар сафар чодирнинг парда-эшигини кўтариб турар «Нега бундай қиласан?», десам, «Аллоҳдан бошқанинг ҳузурида бошингизни доимо тик тутишингизни хоҳлайман», дерди. Шунинг эслаб кўзимга ёш келди.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.